

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 218 (10.523)

2005 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ

### «ЗАРҚАЙНАР» СУПЕРМАРКЕТИ

Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари учун яна бир қулайлик яратилди. Собир Раҳимов туманининг Эски шаҳар қисмида яқинда бунёд этилган «Зарқайнар» супермаркети очилди.

Супермаркетда асосан, озик-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинади. Дўкон пештахталаридан ўрин олган маҳсулотлар асосан Россия, Туркия ҳамда республикамызда ишлаб чиқарилган.

«Зарқайнар»даги маҳсулотлар нархи «Чорсу», «Демир», «Ардус», «Ўзбегим» каби турдош супермаркетлардан бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради. Бу эса аҳоли талабига мос келади.

**СУРАТЛАРДА:** «Зарқайнар» супермаркетидан лавҳалар.

М.Амин (ЎЗА) олган суратлар.



### XVI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

#### Мамлакатимизда

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов** номига муборак Рамазон ҳайити муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий табриклар йўлланган мактублар келиши давом этмоқда.

• «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Анджиконтелеком» вилоят филиалининг Андижон шаҳар телекоммуникациялар узели мутахассислари шаҳар доирасида телефон алоқасини сезиларли даражада яхшилайдиган учта янги рақамли АТСларни монтаж қилиш ишларини якунламоқдалар.

• **Олмалик кон металлургия комбинати** томонидан ажратилган 430 миллион сўм маблағ эвазига Олмалик шаҳридаги 4-мактаб тўлиқ қайта реконструкция қилинди. Металлургия мактабга қўшимча ўқув биноси, спорт зали, ошхона ҳам қуриб бердилар.

• «Тезинтом» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ювувчи воситаларни ишлаб чиқариш бўйича янги линия ишга туширилди. Янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш маҳаллийлаштириш дастурига киритилган бўлиб, қўшимча ишчи ўринлари ташкил этилиши ҳамда бозорнинг арзон ва сифатли маҳсулот билан тўлдирилишига имкон яратди.

• **Бухоро шаҳрида** юридик йўналиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ихтисосликларига мўлжалланган минг ўринли касб-хунар коллежини янги замонавий биноси қад ростлади.

#### Жаҳонда

• **Кеча Озарбайжонда** парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайловларда парламентдаги 125 ўринга 2 минг киши даъвогарлик қилди.

• **Эрон МАГАТЭ инспекторларининг** мамлакатдаги махфий харбий иншоотларга киришига рухсат берди. Инспекторлар мазкур иншоотларда бўлиб, текшириб кўриш учун турли моддалардан намуналар оладилар.

• **Вьетнам ҳукумати** парранда гриппини баргараф этиш бўйича кўрилган зарур чоратadbirlарга қарамай, Шимолий провинцияларнинг учтасида товуқлар орасида ушбу касаллик тарқалганлигини расман тасдиқлади.

• **Францияда** асосан муҳожир ёшлар томонидан амалга оширилаётган тартибсизликлар ҳамон давом этмоқда. Айниқса яқшанбага ўтар кечаси тартибсизликлар авжига чиқиб, шу кун 1300 га яқин автомашиналар ёқиб юборилди. Иккита мактаб, болалар боғчаси ва дорихонага ҳам ўт кўйилди.

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Электроника институтида физикавий электроника бўйича тўртинчи илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юрталари, илмий ишлаб-чиқариш бирлашмалари олим ва ёш тадқиқотчилари билан бир қаторда МДХ мамлакатлари, Франция, Германия ва бошқа хорижий давлатлардан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда илм-фаннинг бошқа йўналишлари сингари физикавий электроника соҳасида ҳам ўзининг юксак салоҳияти билан дунёга танилган кўплаб илмий мактаблар мавжудлигини таъкидладилар. Фанлар академиясининг Электроника институти ана шу йўналишдаги етакчи илм даргоҳларидан биридир.

Институт олимларининг нафақат фундаментал каш-фийёлари, балки замонавий технология ва асбоб-ускуналар яратиш бўйича ихтиролари ҳам жаҳонда алоҳида эътироф этилаётир. Хорижий патентларга сазовор бўлган

ўнлаб юксак технологиялар Япония, Швейцария сингари тараққий этган давлатлар томонидан сотиб олингани шундан далолат беради.

Анжуманда физикавий электрониканинг истиқболли йўналишларига бағишланган қарийб икки юзга яқин маъруза тингланди. Микроэлектроника, экология, ускунаسازی, ион-плазма технологияси ва бошқа устувор соҳаларни тараққий эттиришда фундаментал тадқиқотлар ютуқларидан кенг фойдаланиш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

ЎЗА

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

#### ҚИСКА

• **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодийёт университетиде ўқитувчилар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман таълим сифатини яхшилашда олимлар томонидан яратилаётган ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда дарсликларни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

• **АКЦИОНЕРЛИК** тижорат «Турон» банки миқозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида қирқ минг дона пластик қарточкаларни муомалага чиқарди.

• **ШАҲРИМИЗДА** Ички ишлар вазирлиги қошидаги харбийлаштирилган махсус мактаб-интернати курсантларининг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

• **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати —

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сергели туман Кенгаши иштирокида уюштирилган маданий-маърифий спорт тадбири «Ёшлар ОИТС ва гивандликка қарши» деб номланди.

• **БУГУН** Мирзо Улуғбек туман марказлашган кутубхоналар тизими қошидаги Лев Толстой номидаги марказий кутубхонада «Шарқдан чирок» ҳамда «Сўз орқали халқ юрагига» мавзуда китобхонлар билан ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан уюштирилди.

• **БУГУН** Учтепа туманидаги Хуршид номи болалар кутубхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Болаларнинг маънавий-маърифий тарбиясида кутубхоналарнинг роли» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва  
ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.




«Марк йўнали — 2005»


## МЕҲМОННАВОЗ ТОШКЕНТГА ЯНА КЕЛИШ ИСТАГИДАМИЗ

5-6 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги олдидан галдаги саралаш мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 25 нафарга яқин энг кучли гимнастикачилар қатнашди.

Маълумки, Жаҳон кубогининг Тошкент босқичи Халқаро гимнастика федерацияси тақвимида 2004 йилда киритилган. Демак, жорий йилда Тошкент аънавий равишда иккинчи мартаба бундай нуфузли мусобақалар пойтахтига айланди.

Давоми 6-бетда.





**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан**

- Ливан ҳукумати мамлакатнинг Сурия билан чегарадош Султон-Ёқуб ҳамда Ҳилва туманларида ҳарбий назоратни кучайтиришга қарор қилди. Бунга мазкур туманларда «Хизбуллоҳ» ва ФАТХ айирмачи гуруҳлари фаолият кўрсатгани сабаб бўлди.
- Ҳиндистон пойтахти Деҳлини жунбушга келтирган кўпуровчиликлардан сўнг шаҳарда хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Ҳиндистон ҳукумати расмиилари бу кўпуровчиликлар Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги тинчлик жараёнига раҳна сола олмамлигини айтиб ўтишган.
- Фаластиннинг радикал гуруҳи «Ислоҳ жиходи» Исроилнинг жанубий ҳудудларига ракета ҳужумлари уюштирди. Бу воқеалар Хадер аҳдийлар шарҳасида теракт содир этган гуруҳнинг уч нафар аъзоси Исроил ҳарбийлари томонидан йўқ қилинган содир бўлди. Гуруҳ вакиллари бундан бунён Исроил томони билан ҳеч қандай тинчлик битимлари тузилмаслигини маълум қилишган.
- Австралиянинг Брисбен шаҳарчасида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигига аъзо давлатлар форуми бўлиб ўтди. Форум «Парранда гриппи хуружи ва унга қарши туриш» деб номланди.
- Тожикистон шимолида махсус хизмат бошлиғидан 5 килограмм героин моддаси топилди. РИА «Новости»нинг ишончли манбаларига асосланиб тарқатган хабариди айтилишича, жиноятчи - амалдор республиканинг Сўғд вилояти Чкаловск шаҳрида амалга оширилган амалиётлар чоғида қўлга олинган. Йил бошидан бунён Сўғд вилоятида гиёвандлик моддалари савдосига алоқадор беш нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ушланди, дейилади агентлик тарқатган хабарда.
- Озарбайжоннинг собиқ соғлиқни сақлаш вазири Али Инсанов давлат тўнатиришини тайёрлашда иштирок этганлигини тан олди, деб хабар беради «Интерфакс» ахборот агентлиги. Собиқ вазир мамлакат телевидениеси орқали тўғридан тўғри президент Илҳом Алиевга қилган мурожаатида, у барча қилмишларига иқдор бўлди.
- Россия Бош прокуратураси ОАВ орқали Нальчик шаҳридаги ҳужумларда иштирок этганларга мурожаат қилиб, ўз ихтиёри билан таълим бўлганлар жавобгарликдан озод этилишини маълум қилган эди. Ушбу эълондан сўнг беш нафар жангари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига ихтиёрий равишда ўзларини топширишди. «Газета» нашрининг ёзишича, улар орасида ҳужумларда бевосита иштирок этмаган икки нафар воғга етмаган шахс ҳамда жангарилар томонидан ёлланган врач ҳам бор.

Худудий органлардан бири Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш худудий бошқармаси бўлиб, айна кунларда бу ерда ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

— Худудий бошқармамиз ўз олдига 4 та йўналиш бўйича асосий вазифаларни белгилаб қўйган, — дейди бошқарма бошлиғи Эркин Каримов. — Буларнинг биринчиси, иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳоли ва рақобатбардошлигини таҳлил қилиш, монополиядан чиқариш, йирик монопол корхоналарни ихчамлаштириш ва таркибий ўзгартириш, улар асосида ички ва ташқи бозорларда самарали рақобатлашишга қадар бўлган муस्ताқил ишлаб чиқаришларни ташкил этишдир. Иккинчиси эса истеъмолчилар ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиш тизимини ташкил этиш ва реклама бозорини тартибга солиш, учинчиси, рақобат муҳитини шакллантириш ва тўртинчиси, хусусий секторни жадал ривожлантириш, шу жумладан хусусий тадбиркорликнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун шарт-шароитлар яратиш ва қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Биринчи вазифа ҳақида тўхталадиган бўлсак, Корхоналар банк-кредитлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг 2005 йил 9 августдаги йиғилиши қарорига кўра республикамизда иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва келажаги йўқ 732 та корхонадан 57 таси пойтахтимизга тўғри келади. Шу боис ҳам уларни реструктуризация қилиш ва келажаги йўқ корхоналарни тугатиш бўйича худудий дастурни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Унга кўра юқоридаги корхоналар 3 гуруҳга ажратилди.

Биринчи гуруҳга 11 та иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ҳамда мамлакат иқтисодиётида салохиятли ўринга эга бўлган йирик ва монопол корхоналарни реструктуризация қилиш ва молиявий соғломлаштириш дастурлари ишлаб чиқилган. Унга кўра аввало ушбу корхоналарга ўз ички имкониятларини сафарбар этиши, корхона мулкдор ва акциядорлари томонидан молиявий соғломлаштириш учун инвестиция киритиш, шунингдек, чет эл инвестицияларини жалб этиш кўзда тутилган. Улар негизда қўшма ва шўъба корхоналар ташкил этиш, керасиз ишлаб чиқариш майдонларини, фойдаланилмаётган асосий воситаларни сотиш, бунинг натижасида айланма маблағни қўлайтириш режаланмоқда.

26 та паст рентабелли корхоналар иккинчи гуруҳга киритилган бўлиб, ички имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ёрдамида уларнинг молиявий аҳолини тиклаш, рентабеллик даражасини ошириш ва зарарни қоплаш тадбирларини биргаликда ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш белгиланган.

Иқтисодий жиҳатдан ночор, зарар кўриб ишлаётган, келажаги йўқ, акциядор ва мулкдорлар томонидан қаровсиз қолдирилган 20 та учинчи гуруҳдаги корхонага нисбатан эса банкротлик таъминини қўллашга қарор қилинди. Банкрот корхоналарнинг мол-мулкларини хатлаиб, уларнинг ҳисобига кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинди. Шунингдек, ушбу корхоналар негизда янги мулкдорлар ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратилади.

— **Истеъмолчилар ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиш тизимини ташкил этиш ва реклама бозорини тартибга солишда нималарга эътибор қаратилади?**

— Жорий йилнинг ўтган даврида бошқармага 159 та ариза ва шикоятлар келиб тушди. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар боис истеъмолчиларга 18928,1 минг сўм миқдорда зарар ундириб берилди. Бунга қўллаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Масалан, Сергели тумани, 6-мавзе, 18-уйда яшовчи истеъмолчилар ўз аризаларида иссиқлик таъминоти етарли эмаслиги ҳақида шикоят қилишган. Аризани «Тошсисқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси масъул ходимларини жалб қилган ҳолда ўрганиб чиқиш натижасида кўрсатилмаган хизматлар учун истеъмолчиларга 920564 сўм миқдорда қайта ҳисоб-китоб қилинди ҳамда хизмат қониқарли даражага келтирилди.

Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 3-уйда яшовчи истеъмолчиларга ҳам бирлашмадан кўрсатилмаган хизматлар учун 110046 сўм қайта ҳисоб-китоб қилинди ва иссиқлик таъминоти яхшилланишига эришилди.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда истеъ-

шуни кўрсатдики, унинг асосий қисмини ишлаб чиқариш, техник фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳамда хизматлар ташкил этади.

Тошкент шаҳрида ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, 2005 йил 1 август ҳолатига монополист корхоналар давлат реестрида 35 та корхона 74 та товар ва хизматлар бўйича рўйхатга олинган. Товар бозорларида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида монополист корхоналар билан олиб борилган ишлар натижасида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатётган монополист корхоналар сони йил бошига нисбатан 7 тага камайишига эришилди. Бошқарма томонидан товар (хизмат)лар бозорларида рақобат сиёсатини амалга ошириш мақсадида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида семинарлар ўтказилди.

Бошқарманинг муҳим вазифаларидан яна бири минтақавий дастурлар ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришдир. Рақобатни ривожлантиришга қаратилган 2004-2006 йилларга мўлжалланган монополиядан чиқаришнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Бундан ташқари 2000-2005 йилларга мўлжалланган Тошкент шаҳрида рақобат муҳитини шакллантириш минтақавий дастурида ва Тошкент шаҳрида 2002-2005 йилларда ҳамда 2010 йиллар давомида товар бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида кўзда тутилган тадбирлар бўйича мунтазам рақобат сиёсатини амалга ошириб мониторинглар ўтказилиб, монополашган товар ва хизматлар бозорига кичик ва хусусий бизнес субъектларининг кириб келишига кенг йўл очилмоқда, рақобатбар-

дош маҳсулотлар турлари кўпайиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг монополашган тармоқларидаги маҳсулотлар харажатларини пасайтириш, рақобат муҳитини яратиш, асосий фондлар ва технологияларни янгилаш борасида тегишли дастурлар қабул қилинган ҳам ўз самарасини бермоқда, дастурда белгиланган режа асосида ҳар бир монополист корхона бўйича белгиланган йўналишлардан келиб чиққан ҳолда бозорларда рақобат муҳитини ривожлантириш амалга оширилмоқда.

Маълумки, иқтисодиётимиз ривожидида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни катта. Шунинг учун тузган ҳолда хусусий секторни жадал ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни ҳам зиммамизга олган эканмиз, бу борада бошқармамизда ташкил этилган «Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими» тузилгани ва олиб борилаётган ишлар самарасини айтиш лозим.

Хозирда пойтахтимизда микрофирма ва кичик корхоналар сони 25850 тадан ортиб, бу ўтган йил шу даврга нисбатан 600 тадан ҳам кўпдир. Жорий йил ярми ҳолатига кўра кичик корхона ва микрофирмаларда 1123,5 минг киши фаолият кўрсатмоқда.

2005 йил ўтган ярим йиллигида тадбиркорлик субъектлари томонидан 15275,2 миллион сўмлик саноят маҳсулотлари, 63022,7 миллион сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиди. Чакана товар айланмаси 327828,9 миллион сўмини, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳамми 107065 миллион сўмини ташкил этди.

2005 йил ярида пойтахтимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 84551,8 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, худудий бошқармамиз қошида хозирда «Тадбиркорликни рағбатлантириш» маркази ташкил этиляптики, унинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашига кўмаклашишда ҳиссаси катта бўлади. Сирасини айтганим бўлсак, мақсад ва вазифаларимиз аниқ, энг муҳими эса уларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг самарасига эришишдир.

**Сўхбатдош Шарифа ИЛЁСОВА**

**Қарор ва ижро**

**САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ ЙЎЛИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ иқтисодиётни монополиядан чиқариш, рақобат муҳитини ривожлантириш, монополистик фаолиятни чеклаш, иқтисодий ночор корхоналарни реструктуризация қилиш, рақобат ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек реклама фаолияти соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш ишларини янада фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ҳамда унинг худудий органлари ташкил этилди.**

молчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашда жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозоридида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймайлик борасида жамоатчилик назоратини кучайтириш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш мақсадида пойтахтимиздаги ўрта мактаблар ўқувчилари ўртасида кўрик-танлов ўтказилди ва голиблар аниқланди.

Ходимларимиз томонидан мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида, шахримиз кўчаларидаги ташқи ва бошқа воситалар орқали жойлаштирилаётган рекламаларнинг «Реклама тўғрисида»ги қонунчилик ҳужжатлари талабларига жавоб бериши юзасидан мониторинглар ўтказилмоқда. Уларга кўра 12 ҳолатда юридик шахслар ва 1 ҳолатда хусусий тадбиркор томонидан турли хилдаги реклама қонунчилиги бузилишлари аниқланди ва уларга умумий миқдори 3428,2 минг сўм жарима қўлланилди.

— **Рақобат муҳитини шакллантириш ҳам асосий вазифалар сирасига киришини айтиб ўтдингиз...**

— Ҳа, албатта. Шу боис бу борада ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Аввало шуни қайд этиш лозимки, агар монополияга қарши курашилмаса товар бозоридида ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам яққа ҳукмронлик ташкил топади, бозорда маҳсулот тақчиллиги юзага келади ва монополист корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотни сифатсиз ва қимматлигига қарамай истеъмолчи ушбу маҳсулотни харид қилишга мажбур бўлади. Бошқарма томонидан рақобат сиёсатини амалга ошириш бўйича мақсадли йўналтирилган ҳаракатлар оқибатида айрим товарлар бозоридида маълум монопол корхоналар ўз устунлик макваларини йўқотиб уларга рақобатчи бўлган корхоналар кўпайиши натижасида маҳсулотлар (хизматлар) тури кўпайди.

Рақобат муҳитини шакллантиришда ва унга доир сиёсатни юритишда товар бозорларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Монопол маҳсулотлар бўйича ўтказилган таҳлиллар эса



Мустақил юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби транспорт тизимида ҳам катта ўзгариш ва янгилаш, кенг ҳамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Жанубий Корея давлати билан ҳамкорликда иш олиб бораётган "ЎЗДЭУ" кўшма корхонасида тайёрланаётган автомобилларнинг жаҳон бозорига экспорт қилинаётганлиги ёхуд Туркия сармоядорлари билан ҳамкорликда ташкил этилган "СамКочАвто" кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган "Ото йўл" микроавтобуслари кимни хайратга солмамайпти дейсиз. Махсулотларимиз сифат жиҳатидан жаҳондаги ўзга фирма ва компаниялар ишлаб чиқараётган автоуловлардан сира қолишмайди. Аҳоли учун қулай ва ихчамлиги билан ҳам эътиборга сазовор бўлмоқда.



**Транспорт**

## ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

Бугунги лавҳамиз аҳолига намунали хизмат қилишни (аксарият ҳолларда бу соҳа ходимлари шаънига эътироз, танқид эшитилиб туришига ўрганиб ҳам қолганмиз) ўрнига қўйиб катта-кичикнинг, асосийи йўловчиларнинг миннатдорлиги, эътирофига сазовор бўлиб келаётган "12-автобус саройи" очик акциядорлик жамияти ҳақида. Сергели туманининг 12-мавзесида жойлашган ушбу автокорхона фаолиятини ёритиш учун йўл олганимизда манзилга етиб борганимизга қадар керакли маълумотларга эга бўлишга улгурамиз деб ўйламагандик. Яъни, Сергели тумани йўналишида ҳаракат қилаётган автобус, микроавтобус, маршрут таксилари ҳайдовчилари ва йўловчилари билан суҳбатда маълум бўлдики "12-автобус саройи" ОАЖ ҳамшаҳарларимизга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Жонқуяр ва тadbиркор, изланувчан, айни дамда талабчан раҳбар Қўдрат Зикировнинг сайёҳаракати билан кўрсаткичлар ҳам юқори, моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳам жойида.



Ўтган йиллар давомида автомобиллар таъмири учун янги участкалар, цехлар мажмуи, автоёқилги қуйиш шохобчаси ва бир қатор ёрдамчи иншоотлар барпо этилди. 2002 йилда 90 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ва қурилиш ишлари амалга оширилди. Корхона ҳудуди ва унинг атрофидаги 23 гектардан ортиқ ер ободлаштирилган. Шу билан бирга корхонада ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Бунинг ҳисобига 24 та

янги иш жойлари очилишига эришилган. Бу хўжалик "Зотли моллар" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилган. Ҳозирги вақтда шаҳар бўйича 27 та корхона, Тошкент метрополитени ва "Трамвайчи" болалар дам олиш оромгоҳига сўт махсулотлари мунтазам жўнатилади. Ёрдамчи хўжалик ҳисобига 110 гектар ер ажратиб берилган бўлиб, 124 минг дона терак барқ уриб турибди. Яна у ерларга қишлоқ хўжалик махсулотлари экилади ва ишчи-хизматчиларга корхона ҳисобидан тарқатилади.

—Шунингдек, корхона томонидан маҳаллалардаги тўй-ҳашам, барча тadbирларда кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиб келинади,—дейди бизга ҳамроҳлик қилаётган автокорхона касаба уюшмаси раиси Маъмур ака Фозиҳўжаев.—Бугун ушбу ёрдамларнинг ҳажми 18.750000 сўмдан ортиб кетган. Ишчилар кўнимсизлигининг олди олинишида яратилган шарт-шароитлар ҳам муҳим омил бўлаётганига шубҳа йўқ. Фикримизни мухтасар қилиб айтadиган бўлсак, корхона жамоасига ҳавас қилсак арзийди. Корхона ҳудудини айланиб тозалик, покизалик, ишчилар кайфиятида эса ўз ишдан қониқиб ҳиссини сезганимизда шундай хулосага келдик — қаерда ишга муҳаббат билан ёндошилса, изласа имкон топилишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**  
**СУРАТЛАРДА: 131-маршрут бўйича қатновчи автобуснинг моҳир ҳайдовчиси Абдувахоб Шукuroв; "12-автобус саройи" таъмирлаш цехининг тажрибали мотористи Фахриддин Алoустидинов; экинчидагина ташлашдик майдон бўлиб ётган худудда ҳашар йўли билан қад ростлаган шинам бино.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Мунозаза, мунозара*

## КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

### АЙТСАМ ТИЛИМ, АЙТМАСАМ ДИЛИМ...

Хурматли тахририят, аслида бу хатни ёзмаслигим керак эди. Лекин виждоним бунга йўл қўймади. Майли, одамлар мен ҳақимда нима деса десин, қандай ҳукм чиқарса чиқарсин, барчасига розиман. Бирок, дил армонларимни ошкор этолмай туrolмадим. Ҳар дам, ҳар дақиқа виждон азобиди қийналгандан кўра шундай йўл тутишни маъқул кўрдим.

Уша куни ишдан барвақт қайтдим. Яқин қариндошимизникида тўй эди. Кечқурун оиламиз билан тўйга отландик. Гараждан машинамини олиб чиқиб йўлга ҳозирлашим билан отам:

— Ўғлим, йўловчи машинада борақолайлик. Ҳар қалай тўй. Улфатларинг кўп. Тўй баҳона ҳойнаҳой анавиндан озроқ тотинсаларинг керак, — деди.

— Қизиқмисиз ота, — дедим мен инкор этиб, — тайёр машинам турганда, сиз билан ойижонимнинг пиёда ёки ўзга машинада юриши яхши эмасда.

Отам бошқа гап айтмади. Уйга қайтиб кириб тезда онам билан чиқиди—да, мени дуо қила-қила машинанинг орқа ўриндигидан жой олишди.

Қари билгани пари билмас деганлари рост. Тўй баҳона анчадан бери кўришмаган улфатлар, тенгқур яқин қариндошлар тўпланишиб қолдик. «Ол-ол» бошланди. Машинам борлигини айтиб ўзёр сўрадим.

— Жой бемалол, машинангни қолдириб кетаверасан. Ол энди бир йиғилишиб қолибмиз, бироз чаққақлашиб ўтирайлик, — дейишди даврадагилар зўрлашиб.

Кўпчиликнинг раъйини қайтаролмадим. Бир-икки бор қадаҳ кўтарилгандан кейин, иштаха очилиб, қизишиб қолдик. Икки-уч соат давом этган тўй охирида қолганда, биз улфатлар ҳам анча етилиб қолгандик. Қарасам бўлмайди—ган. Ичкилик кетма-кет қуйилиб турибди. Бир баҳона толиб ташқарига чиқдим. Отам сергак ўтирган экан, орқамдан чиқди.

— Болам, кета қолайлик. Энди даврага қайтмай кўя қол, — деди менга «қирсанг яна ичасан» оҳангида гапириб.

— Майли ота, — дедим мен.

Кетма-кет онам ҳам тўйхонадан чиқдилар.

— Вой отаси, ўғлиг ичган бўлса машинани қандай хайдайди? — дедилар ойижоним тавишви тортиб отамга.

— Мен ҳам шунисига ҳайронман—да.

Кўп ичмаганлигимни айтиб қариларини кўярда-кўймай машинага ўтказдим. Йўлга чиқдик. Рулни балoдек бошқариб бораётган эдим. Ҳар қалай ичкилик ичкиликда, кучини кўрсатди. Бирдан бошим айланиб, кўзим тинди. Машинани қандай қилиб йўл чеккасидаги темир бейтонга бориб урганганим билмайман.

Касалхонада кўзимни очдим. Бирдан эсимга ойижоним билан отам келди, сўраб-суриштирдим. «Улар яхши» дейишди. Аслида уша топда отам ҳам, онам ҳам оламдан ўтиб бўлган эканлар.

Бор гап шу. Шундай қилиб жондан азиз ота-онамнинг қотилига айланиб қолдим. Ушандан бери ўзимни лаънатлайман. Инсон бошига минг балолар ёғдирадиган, баъзи силалар осуда ҳаётини остин-устун қилиб юборадиган ичкиликни лаънатлайман. Одамлар орасида қандай бош кўтариб юришни ўйлайман. Суд, терговлар ўз йўлига. Менимча мен ҳақимдаги ҳукмни кўпчилик чиқаргани яхши. Кўпники адолатли бўлади.

**Одил ОХУНОВ**

## АВТОБУС КУТИБ

Шаҳарда нима кўп — транспорт кўп. Бир-биридан кўркам автобуслар, ихчам маршрутли таксилар йўловчилар узогини яқин қилиб турибди. Лекин транспорт тури, сони кўпайган сари талаб ҳам шунга яраша ошиб борапти.

Ўтган чоршанба куни Шимолий вокзал ва Юнусобод йўналиши бўйлаб қатновчи 60-автобусга чиқмоқ ниятида Амир Темур хиёбони бекатида келдик. Соат ўн бирлар чамаси бўлгани учун йўловчилар анча сийрак эди. Лекин борлари ҳам анча бeтoқат туришибди. Уларнинг айтишича, автобус анчадан бери кўринмас эмиш.

Сийрак бекат бора-бора йўловчилар билан қалинлашиб ҳамки, ҳамон автобусдан дарак йўқ. Кўплар кейинги пайтда 60-автобус негaдир камайиб кетганидан нолишади.

— Олдин яхши юрарди. Шаҳардаги энг намунали йўналишлардан эди, — деди улардан бири.

— Кеча ҳам худди шу ерда автобус келишини ярим соат кутгандик.

— Аксига олади—да, кутганингда келмайди, бошқа вақтда фирра-фирра келиб жeтaди.

Шу куни 60-автобусни ярим соат кутишимизга тўғри келди. Билмадик, чиндан ҳам бу йўналишда қатновчи машиналар сони камайиб кетганими ёки бунинг бошқа сабаби борми? Кўпчилик йўловчилар кўнгида пайдо бўлган бу саволга мутасаддилар нима деб жавоб беришаркин?

**Зокир КОДИРОВ**

## ҚАЙМОҚНИНГ ТОЗАСИ

Тунов куни Юнусобод бозорининг пойида қатор тизилиб турган сўт-қаймоқ сотувчилар олдида ўтиб қолдик. Ўзимизча улардан махсулотлар нархини суриштирган бўлдик. Бирдан бозорчи хотинлар атрофимизни ўраб олишди—да махсулотларини кўз-кўз қила кетишди. Ке, нима бўлса бўлди, деб бир банка қаймоқ харид қилмоқни ихтиёр этдик.

— Мана, қаймоқнинг тозаси, — дея ўрта ёшли бир аёл кўлимизга бир банка қаймоқ тутқазди.

— Нархи қанча?

— 1500 сўм.

Бозор ичкарисидидаги сўт-қаймоқ расчасига кириб худди шунақа бир литрли банкадаги қаймоқни сўраганимизда улар бу нархга нисбатан икки баравар ортиқча пул сўрашганди. Шунинг эслаб дедик:

— Нега бунча арзон?

— Сиз учун арзон беряпман.

— Тоза қаймоқми ўзи?

— Вой оқлик нарсига алда бўладими? Ишонмасангиз мана ялаб кўринг.

Ишондик. Ахир кўринишдан содaгина бу аёлниг сўзига ишонмасдан бўладими?

Уйга боришимиз билан қаймоқхўрлик бошланди. Аёлим пиёлани яримлашиб қаймоқ куйди. Мазаза қилиб едик. Иштаха очилиб яна пиёлани яримлашиб қаймоқ куйдик. Лекин бу сафаргиси қаймоқ эмас, қандайдир қатиқ аралашмаси, унинг устига бир тахирки, оғизга олиб бўлмасди.

Аёлим менга маъноли тикилди. Мен эса қаймоқчи хотиннинг алдовига учиб лаққа тушганимдан хижолат тортидим.

**Шариф КОДИРОВ**



# МЕҲМОННАВОЗ ТОШКЕНТГА ЯНА КЕЛИШ ИСТАГИДАМИЗ



(Давоми. Боши 1-бетда).



Бир қарашда мамлакатимизда юқори даражадаги тадбирлар ўтказилиши, бу жаҳон ёки қўша турнирлари бўлади — оддий ҳолдай туюлади. Аслида эса давлатларни танлаш жараёни жуда мураккаб кечади. Ва бу борада, ўйлаёмизки, Халқаро гимнастика федерациясининг (Ж/Ф) техник кенгаши президенти Эгле Абруццинининг ўтган йилги мамлакатимизга ташрифи чоғида билдирган фикрларини яна бир бор келтириб ўтиш ўринлидир: «Жаҳон кубоги босқичларини ўтказиш жойини танлашда номзод мамлакатнинг кўпгина мезонлари ҳисобга олинади. Бунда биринчи навбатда ҳар томонлама барқарор вазият ҳисобга олинса-да, шу билан бирга мамлакатнингизда ҳукумат даражасида, шахсан республика Президенти раҳномалиги остида оммавий ва профессионал спортга юқори эътибор берилётгани муҳим асос бўлди. Осиё минтақасида Жаҳон кубоги доирасида бундай кенг қўламли мусобақаларни ўтказишда катта ишонч ўзбекистон давлатига биринчилардан бўлиб билдирилди. Бу борада шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, нуфузли тадбирларни ўтказишда сизда барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган ва бу авваламбор спорт аъёнлари ҳамда дунё андозаларига жавоб берадиган кўпball спорт мажмуаларининг мавжудлиги билан ўлчанеди...»

Жаҳон кубоги саралаш мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Бадий гимнастика миллий федерацияси президенти Лола Каримова барчани мамлакатимизда ўтаётган ушбу спорт байрами билан кутлаб, Жаҳон кубогининг галдаги Тошкент босқичи, ўтган йилгидаги каби, дунё спорт тарихига ёрқин саҳифа бўлиб киришини ва унда янги-янги юлдузлар кашф этилишини таъкидлаб, шу билан бирга мазкур нуфузли мусобақалар ўз келажagini спортнинг бу гўзал йўналиши билан боғлаган фарзандларимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, Халқаро гимнастика федерацияси қарори билан Жаҳон кубогининг Тошкент босқичлари доирасида ўсимлар ўртасида ҳам «Шарқ гўзали» номини олган турнирларнинг ўтказилиши аъёнга айланиб бораётгани эътиборга лойиқдир. Бу йилги саралаш мусобақаларининг биринчи кун Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон ва Ўзбекистондан 18 нафар умидли гимнастикачиларнинг чиқишлари билан бошлангани бежиз эмас. Бадий гимнастикага ихлос қўйган ёш қўшнларга кучли спортчилар даврасида тажриба алмашиб, ўз кучларини синаб қўришга имконият берилди. Ўзбекистондан мазкур тоифадаги бахсларда Алиса Аҳимирова, Вероника Есипова, Комила Тўхтаева ва Оля Кармазиналар иштирок этишди. Кўпқураш мусобақалари яқини натижалари бўйича эса ҳамюртимиз Алиса учинчи ўрин-

ни эгаллаган бўлса, россиялик Ольга Романченкога кумуш, Наталья Печушкинага эса олтин нишонлар nasib этди. Айтиб ўтиш жоизки, бу турнирга Россия энг кўп иштирокчиларни тавсия этди. «Шарқ гўзали-2005» ўсимлар турнирида катнашган 10 нафар россиялик гимнастикачилар Россия гимнастика федерацияси раиси, Ж/Ф техник кенгаши аъзоси Ирина Винер раҳбарлик қилаётган махсус бадий гимнастика мактаби тарбияланувчилари ҳисобланади. Тошкентдаги мусобақаларда ҳакамлар жамоасини бошқараётган Ирина Винер Ўзбекистонда туғилган бўлиб, ўз вақтида мамлакатимизда бадий гимнастиканинг ривожига катта ҳисса қўшган заҳматлиқ инсонлардан саналади.

— Шу боисдан-да мен ҳар сафар бу ерга катта умид ва ишонч билан келаман, кадрдон заминдан баҳра олиб, кучкуватга тўламан... Танишларим, менга деярли кадрдон бўлиб қолган инсонлар билан урғунганимда, мени гуруру ва шу билан бирга ҳаяжон камраб олади. Шундай дақиқаларда мен улар учун эсда қоларли нималарнидир қилишга ҳаракат қиламан... Ўзбекистон олдидан мен қардорман, эеро мен шу ерда туғилганман, ўсиб-ўлғайганман, ушбу заминда ўз келажagini ҳам аниқ белгилаб олишга муваффақ бўлганман...

Жаҳон кубогининг Тошкент босқичининг финал ўйинларида беллашув ҳужуки учун Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Исроил ва Ўзбекистондан 23 нафар кучли спортчилар қизини бахс олиб боришди. Шунинг таъкидлаш жоизки, Россия жамоаси етакчиси — икки қарра Европа чемпиони Ольга Капрнова яқинда Бокуда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатининг алоҳида мусобақаларида учта олтин медални қўлга киритди, шунингдек кўп қурашда ва умумжамоа ҳисобида голиб бўлиб, беш қарра чемпиони унвонига сазовор бўлди.

— Тошкент билан мени алоҳида тўғилган боғлайди, — дейди Ольга. — Ўтган йилги саралаш мусобақаларида катнашиш мен учун тасодифий бўлганди, чунки баъзи бир сабабларга қўра Афинада бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларининг кумуш совриндори Ирина Чашина Ўзбекистонга кела олмаганди. Мен эса бундай юқори натижаларга эришишни кутмагандим ҳам: Тошкентда кўпқурашда учинчи ўрини ва уч кўринишдаги ўйинларда олтин медалларни қўлга киритдим. Бу эса профессионал спортдаги менинг энг юқори ютуқларим

бўлди...

Бу йилги саралаш мусобақаларида ҳам Ольга Капрнова муваффақиятли қатнашди. Копток ва булава билан беллашувларда шохсула турини эгаллаган Ольга арқон ва лента бўйича машқларда ҳамда кўпқураш баҳсида кумуш медал совриндори бўлди.

Лента ва арқон билан мусобақаларда Ольгага фақат унинг ҳамюрти Вера Сесина рақиблик қила олди. Бундан ташқари, россиялик бу спортчи барча мусобақаларда мутлақ голибликни қўлга киритди. Кўпқурашдаги учинчи ўрин эса беларуссиялик Валерия Курильскага яна nasib этди.

2004 йилги Тошкент босқичининг кўпқурашдаги кумуш совриндори қозоғистонлик Алия Юсупова эса бу сафар фақат копток бўйича машқларда учинчи ўринни эгаллаб олган бўлса, арқон билан мусобақаларда учинчи ўринга Озарбайжонлик гимнастикачи Анна Курбанова кўтарилди.

Ҳамюртларимиз ҳам яхши натижалар кўрсатиш учун бор имкониятларини ишга солишди. Ўзбекистон жамоаси етакчиси Екатерина Бабина совринли ўринларни эгалламаган бўлса-да, бундай имкониятларни дугонаси Зарина Мухаммадовага инъом этди. Республика ҳамда кўша чемпионатларининг 2004 йилги голиби, турли халқаро мусобақалар совриндори Зарина миллий жамоа профессионаллари ўртасида рейтингни бўйича тўртинчи ўринни эгаллаб туради. Саралаш мусобақаларида ўзбекистонлик бу спортчи энг мураккаб ҳисобланган булава билан машқларда россиялик ва беларуссиялик гимнастикачилардан анча устун келиб учинчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

... Икки кун давомида ўзбекистонлик гимнастика ихлосмандлари бадий гимнастика усталарининг том маънодаги нафис ўйинларидан баҳраманд бўлиши деийш мумкин. Жаҳон кубогининг Тошкент босқичига ҳам яқун ясалди. Эслатиб ўтамай, Жаҳон кубоги олтита саралаш мусобақаларидан иборат бўлиб, Ўзбекистон бунда Франция, Россия ва Озарбайжондан кейин тўртинчи бўлиб мезбонлик қилди. Галдаги босқичлар, қолаверса, Жаҳон кубогининг финал мусобақалари қаерда ўтказилишига, аниқ жавоб ололмаган бўлса-да, бироқ биз учун мазкур мусобақаларнинг иштирокчиларидан бири россиялик спортчи Лилия Уташеванинг қуйидаги фикрлари ҳамма нарсадан муҳимроқ бўлди: «Тошкент бемалол Жаҳон кубогини ўтказишга даъвогарлик қила олади. Бунга мен, ўзга давлатларда ҳам мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида билан таққослаб амин бўлдим. Қолаверса, ташкилий масалаларнинг айрим мураккаб вазиятлари ечими борасида Тошкент Жаҳон кубоклари бўлиб ўтган ҳаттоки Европа мамлакатларидан ҳам ўтади... Жамоамиз номидан эса шуни ҳам таъкидламоқчи эдимки, бизнинг бу гўзал ва меҳмоннавоз шаҳарга яна келиш истагимиз бор...»

Бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубогининг Тошкент саралаш мусобақалари тадбирларида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Светлана Иномова, Рустам Қосимов ва Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқадир Тўхтаевлар иштирок этишди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА СУРАТЛАРДА: Жаҳон кубоги Тошкент саралаш босқичидан лавҳалар.**

**Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.**

## Шарқ дурдоналари



● Агар дунёда энг яхши лаззат мавжуд бўлса, билгинки у ҳам бўлса — қаноат лаззатидир. Қаноатли киши роҳат-фароғатда яшши билан бирга бошқа кишиларга ҳам яхши муомалада бўлади, уларни ҳам ўзи каби шодлик сари етаклайди. Ўзгалар ҳам қаноатли кишини ҳурмат қилади.

● Унутмагинки, душман насиҳатига қараб иш тутмоқ хато, ammo нима демокчи эканини билиб қўймоқ фойдадан ҳоли эмас. Унинг айтиганига қарши иш тутсанг тўри юрган бўласан.

Бир доно айтдикки, агар бирор кимсанг ҳақиқий дўст ёки душманлигини билмоқчи бўлсанг, унга маслаҳат сол, берган маслаҳатинг тўри ёки нотўрилигига қара, шундан ўзингга тегишли хулоса чиқариб оласан.

● Ҳар ким бирор ишнинг талабига қадам қўйса бу ишнинг қийинчиликларига чидаши керак. Мақсад қабаси сари йўлга чиққан одам заҳмат саҳросидан чўчимаслиги, ундаги барча гоғларни энгиб ўтишга интиломи даркор.

● Ғийбат қабиҳ феъллардан биридир. Ғийбат қанчалар оз бўлса-да, унинг келтирадиган зарари ва офати денгиз уммони кабидир. Бирор кишининг орқасидан гапириш, айбини топиш, ёмонлаш, бола-чакаси, хотини,хулқи, бойлиги ҳақида бемаза фисқу фасод гапларни гапиришнинг барчаси ғийбат ҳисобланади. Ва бу ғийбатчининг ўзини ҳам балолар домига итаради.

● Бесабрлик одат бўлса инсонга, Отган ўқи тегмас асло инсонга!

● Ҳақимлар айтдилар: — Бирор иш юзасидан маслаҳатлашмоқчи бўлсанг битта оқил киши билан маслаҳатлаш, кўпчиликка айтилган маслаҳатли иш нуқсондан ҳоли бўлмайди.

Бир араб олими: — Ақлдан уланган бойлик, нодонлиқдан қатта бахтсизлик ва маслаҳатдан қучли суанчиқ йўқ! — деган эди.

● Саҳий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбида муҳаббат у садақатга йўл очган бўлади. Саҳий киши мисдан ясалган кўзага ўхшайди: тез тайёрланади-ю ammo узок вақт ўз эгасига хизмат қилади. Очқўз киши сопол идишга ўхшайди: уни ясаш қийину, лекин узокқа етмай тез синади.

● Илмли киши ҳазина бўлса, унинг қалити саволдир. Савол билан илм хазинаси очилади ва ундан кўп нарса ўрганилади. Афлотун ҳақимдан: — Шунча илми қандай ҳосил қилдинг? — деб сўрадилар.

У мулоҳаза билан жавоб беради: — Илм ўқитган пайтларимда ёндирган чироқ мойини ҳисобласанг ёбичкан нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бундан қилиб олиш мумкинки, вақтни ёб-ичиш ва ўйнаш қайфу сабога сарфлашдан қўра илмга сарфлаш зарурроқ экан.

## Анжуманлар

# ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

Нихо ва оила маросимлари марказида «Ёш оила қурувчилар мактаби»нинг навбатдаги «Оила муқаддас ватан» анжумани бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими, Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи, «Меҳри» аёллари жамияти ва Нихо ва оила маросимлари маркази ҳамкорлигида аъёнанинг тарзда ўтказилиб келаётган ушбу анжуманда тиббиёт, юридик, маданият ва хотин-қизлар коллежи талабалари иштирок этидилар.

— Ёшларимизга оила муқаддаслиги, миллий урф-одат ва

аъёнларимизни кенг тарғиб қилиш, амалдаги қонунлар, фуқаролик ва оила кодекслари, оилага оид ҳукумат қарорлари дастурлари, кўрсатмалари бўйича тушунчалар бериш, бўлажак келин-куёвларимизни оилавий ҳаётга тайёрлашни яхшилаш, турмуш қийинчиликларини барқарор этишга ўргатиш, соғлом оила учун тиббий кўриқнинг аҳамияти, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, уларни ҳар томонлама етух ва барқарор қилиб тарбиялаш асослари ан-

жуманимизда тушунирилиб борилади. Тингловчиларимиз мактаб ўқувчилари, балоғат ёшига етган йигит-қизлар ҳамда оила қуриш учун ФХДЕ органларига ариза берган ёшлардан иборатдир. — дейди Нихо ва оила маросимлари маркази директори Марҳамат Муродова. — Машғулотларимиз давомида етакчи ҳуқуқшунослар, руҳшунослар, олимлар, тиббиёт ходимлари ва бошқа соҳага оид мутахассислар иштирокида, Адлия бошқармаси томонидан тасдиқланган

махсус йиллик режамизда белгиланган мавзулар асосида маърузалар, суҳбатлар, амалий машғулотлар, савол-жавоблар, бахс-мулоҳаза тарзида ўқув машғулотларини ўтказамиз.

Шунингдек тингловчиларимиз ибратли оила соҳиб-соҳиблари, ёзуви, ширлар, санъат ва маданият арбоблари билан уршадилар.

— Бу ерда биз ўзимиз учун сирли бўлган «оила» ҳақидаги жамбўкли саволларимизга жавоб олиш билан биргаликда нарқоманиа-ғиёвандлик ҳамда турли оғир хасталиқлар (ОИТС, сифлиш, гонорея) ва уларнинг оғир оқибатлари хусусида ҳам маълумотлардан хабардор бўламиз, — дейди биз билан суҳбатда семинар катнашчиси, 3-босқич талабаси Зумрад Тешабоева.

Шоҳида ХАЙДАРОВА

## Ўзбекистон ва жаҳон

Япония кўнгилчилари:

## «ЎЗБЕКИСТОН — БИЗНИНГ ҚАЛБЛАРИМИЗДА»

Токиода «Япония халқаро ҳамкорлик кўнгилчилари» (JOCV) дастурининг 40 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Япония империатори Акихито, мамлакат бош вазири Д.Койдзуми, мамлакат ҳукумати, дипломатия корпуси вакиллари ҳамда жамоат арбоблари иштирок этди.

Маросимда Япония кўлаб мамлакатларга техникавий ёрдам кўрсатиш, молиявий кредитлар ажратиш ва тараққиёт учун мўлжалланган грантлар тақдим этиш баробарида ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, фуқаролик жамиятини барпо этиш ишларида ҳам фаол кўмаклашаётгани кайд этилди. Бунда JOCV асосий восита вазифини бажариб келади. 1965 йили

ташқил этилган ушбу дастур фаолияти айтилиб 80 дан ортиқ мамлакатни қамраб олган.

Маросимда сўзга чиққан фахрий меҳмонлар ва дастурнинг собиқ иштирокчилари ўзларининг хорижий мамлакатлардаги иш фаолияти давомида турли миллатлар вакиллари билан яқин мулоқотлар асосида янги дунёни кашф этганликлар

ри, турли халқларнинг бой маданияти ва урф-одатларига ошурта бўлганини таъкидлашди.

Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш бўйича кўнгилчилар гуруҳининг раҳбари К.Кобаяши пойтахтимиздаги гўзал гўшалардан бири бўлган Япон боғининг барпо этилишида бевосита иштирок этган. Унинг айтишича, Ўзбекистонда бу маротаба бўлган одам кўнглида бу гўзал ўлкага нисбатан пайдо бўлган илиқ туйғулар абадий сақланиб қолади.

— Ўзбекистонга боришдан аввал биз юртингиз тарихи ва маданияти, унинг дунё цивилизациясига қўшган бетакрор ҳиссаси ҳақида билар эдик, — деди К.Кобаяши. — Лекин биз ўзбек халқининг очик-кўнгиллиги ва меҳмондўстлигидан ҳам лол қолдик. Биз ҳозир ҳам японияликларнинг юртингиз кўнглида бўлган ва бой маданияти билан танишишлари борасида ҳар томонлама кўмак кўрсатаётмиз.

## ФРАНКФУРТДА ЎЗБЕК КИТОБЛАРИ НАМОЙИШИ

Германиянинг Франкфурт шаҳрида 57-Халқаро китоб ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор нашриётлари ҳам иштирок этди.

Ушбу тадбир доирасида ўтказилган «Ўзбек китоблари» тақдимотида «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, «Маънавият», «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Ўқитувчи» ва «Ўзбекистон» нашриётларида чоп этилган маҳсулотлар — турли китоблар, брошюра, альбом ва плакатлар намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбек таомларини тайёрлаш санъати» («Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти), биринчи синфлар учун мўлжалланган «Алифбе» китоби («Маънавият»), ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган «Бухоро», «Хива», «Термиз» («Шарқ» НМК) сингари матбаа маҳсулотлари ярмарка иштирокчилари ва мутахассислар эътиборини ўзига тортди.

Ўзбекистонлик ноширлар Штутгарт шаҳрида бўлиб, газета ва китоб чоп этиш ҳамда нашриёт жиҳозлари етказиб беришга ихтисослашган «Cantz Media», «Hatje Verlag» ва «Matthes Verlag» компанияларининг фаолияти билан яқиндан танишди. Ўтказилган музокаралар натижасида «Шарқ» нашриёт-матбаа концернини техник жиҳатдан тақомиллаштириш тўғрисидаги ахдлашувга эришилди.

Ўртимиз вакиллари Берлинда мактаб дарсликлари нашр этишга ихтисослашган йирик концерндан бири — «Cornelsen Verlag GmbH» да бўлишди. Германия китоб бозоридagi маҳсулотларнинг ўн фоизга яқини ушбу концерн ҳиссасига тўри келади. Концерн Европадаги олти мамлакатда ўз корхоналарига эга. Шунингдек, дизайнерлар, менежер ва бошқа мутахассислар тайёрловчи институт ҳам мазкур концерн тасарруфига қиради. Учрашувда нашриёт дизайнерлиги соҳасида кадр тайёрлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

«Erich Schmidt Verlag» (ESV) - Германиядаги энг кеска ва йирик илмий нашриёт ҳисобланади. Корхона 260 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. У ГФР ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги олий ўқув юртлири ҳамда илмий-тадқиқот институтлари учун мўлжалланган адабиётлар нашр этишга ихтисослашган. Ўзбекистонлик ноширлар билан бўлган уршулда ESV раҳбарияти 2006 йили Тошкентда ўзаро ҳамкорликда китоб ярмаркаси ўтказиш тақлифини билдирди.

## Савтрат

Истиқлол шарафати билан юртимизнинг номи жаҳонга таралмоқда. Шунинг баробарида дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб, адабиёт, санъат, маданият, фан соҳасида қатор ютуқларга эришилмоқда.

## ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАДИ

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида IV халқаро симфоник мусиқа фестивали ўз ниҳоясига етди. Ушбу мусиқа анжуманини Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Ўзтелевизиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Самарқанд шаҳар ҳокимияти, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Рим-Католик черкови, Нидерландия қироллигининг Москвадаги элчихонаси ҳамкорликда уюштирилди.

— Халқаро симфоник мусиқа фестивалини ўтказишдан қўзланган мақсад, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, — дунё халқлари ўртасида мусиқа санъатини янада ривожлантириш, мусиқа орқали тинчликни барқарорлаштириш, ҳамкорликда янги-янги мусиқалар ёзиш, асосийси — юртимиз довруғини оламга таништириш орқали дунё бастакорлари билан ҳамжиҳатлик алоқаларини кучайтиришдан иборатдир.

Фестивалда Нидерландия қироллигидан Синтия ван Айден, Туркиядан Байрам Байрамоғуллари, Вьетнамдан До Хонг Кван, Невен Ан Тьен, Япониядан Масао Эндо, Қозғистондан Кадиша Аналбаева, Испаниядан Бернарт Виванкос каби таниқли бастакорлар ўзларининг асарлари билан иштирок этдилар.

Халқаро мусиқа анжумани доирасида Ўзбекистон Бастакорларининг мусикалари ҳам ижро этилди. Улар орасида биринчи марта ижро этиладиган Мустафо Бафоевнинг «Ўрта

ер денгизи тўлқинлари» гобой ва симфоник оркестр учун туркча концерти, Рустам Абдуллаевнинг терроризм қурбонлари хотирасига бағишланган «Фарёд», Дилором Сайдаманованинг «Симфония» каби мусикалари бор. Шунингдек, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раazzoқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Адиба Шарипова, Назира Аҳмедова номидagi Республика хонандалар танлови совриндорлари ижросида ҳам куй, қўшиқлар янгради. Дўстлик, биродарлик шиори остида ташқил этилаётган фестиваль гўзал ва ёрқин хотираларга бой тарзда ўтди. Бастакорларимиз Р. Абдуллаев, Ҳ.Раҳимов, А.Мансуров, Р.Юнусов, М.Отажонов, Ҳ.Назаров, чет эллик мусиқашунослар билан янгидан-янги лойиҳалар тузиш, мусиқа санъатини ривожлантириш борасида режалар тузиб олишди.

Дарҳақиқат, санъат инсонга маънавий озик берувчи, уни илҳомлантирувчи, сокинлик, ўшқинлик баҳшида этувчи тунгмас бойлиқдир. Зеро, куй-қўшиқ ва дилбар рақслариз инсон ҳаётини тасаввур этиб бўлмайди. Умид қиламизки, мазкур фестивал мусиқанинг янги-янги турларини кашф қилишга туртки бўлади ва шунинг натижасида келгусида гўзал наволар янграб инсонларга хуш кайфият бағишлайди.

Гулчехра ДУРДИЕВА  
СУРАТДА: IV халқаро симфоник мусиқа фестивалидан лавҳа.

Наталья Семёнова олган сурат.

## «ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК?» ЯПОНИЯДА

Токиода VII — Болалар миллий дала ўйинлари халқаро фестивали бўлиб ўтди. У Япония Таълим, маданият, фан ва технология вазирлиги ҳамда мамлакатда аккредитациядан ўтган қатор элчихоналар кўмагида ташқил этилди. Тадбирда иштирок этган 20 дан зиёд мамлакат вакиллари орасида Ўзбекистон жамоаси фаол иштирокчи сифатида эътироф этилди.

Токио марказидаги Ёзги боғда ўтказилган мазкур анъанавий фестивалда ўзбекистонлик вакиллар «Оқ теракми, кўк терак?», «Ўртага туш» сингари миллий ўйинларимизни япониялик тенкурлари иштирокида намойиш этишди. Майдон узра бот-бот янграб турган шўх-шодон олқиш ва хайкирқлар байрамга алоҳида шукҳ бахш этди.

Яқинда Кўнчиқар мамлакатда болалар ўйинлари ҳақида махсус китоб нашр этилди. Унда ўзбек миллий болалар

ўйинлари алоҳида боб ажратилган.

Маълумки, инсон ҳаётининг барча жабҳаларига жадал қилиб бораётган технология мўъжизалари одамлар орасида бўлиш, биродарлик, самими мулоқот сингари қадриятлардан муайян даражада узоқлаштирмоқда. Бу, айниқса, ёш авлоднинг вожа этилишида яққол кўзга ташланади. Турли компьютер ўйинлари, ранг-баранг телекўрсатувлар денгизига шўнғиб кетган технология асри болаларида одамовилик, жис-

моний ва руҳий камчиликларга дучор бўлиши ҳоллари кўпайиб бораётгани сир эмас. Шу боис Японияда ёшларни бундай ноҳушлиқлардан хумоя қилиш, ватанга, инсониятга муҳаббат руҳида тарбиялаш, онги ва шуурига садоқат ҳамда эзгулик ғояларини синдиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Мазкур анъанавий халқаро тадбирни ўтказиш ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган.

«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди

## Шурфа олам

## БАРАКА — ҚАНОАТДА

Япониялик миллиардер Иосиаки Цуцуми қамоқ жазосига ҳукм қилинди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, бунга унинг молия соҳасидаги фирибгарликлари сабаб бўлган.

Иосиаки Цуцуми бир вақтлар дунёдаги энг бадавлат одамлардан бири ҳисобланган. Унинг бойлиги беҳад мўл бўлган. Темир йўл, меҳмонхона, дам олиш масканлари, йирик савдо дўконлари, ҳатто, мамлакатдаги энг зўр бейбол жамоаси ҳам унга қарашли эди. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йилларида И.Цуцуми ниҳоятда бойиб кетди. Уша пайта унинг бисотида 20 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағи бўлган.

Шу боис И.Цуцуми кўп йиллар «Форбс» журналида чоп этиладиган энг бой одамлар рўйхатининг биринчи поғонасини эгаллаб келди.

Орадан йиллар ўтиб, И.Цуцуми ўзи бошқарган барча компаниялардаги лавозимларидан кетди. Сабаби қинғир ишлари бирин-кетин очила бошлади. Собиқ мағнат мол-мулкнинг баракаси учиб, маблағ кескин қамайиб кетди. Буни «Форбс» журнали келтирган рўйхатдан ҳам билиш мумкин. 2003 йилги рўйхатда И.Цуцуми икки юзичи ўринларга тушиб қолди. «Форбс» маълумотида кўра, ўша йили япон миллиардерининг маблағи «бор-ўйғи» 3 миллиард долларни ташқил этган.

Шу-шу Иосиаки Цуцумининг ишлари ўнганмади. 71 ёшли миллиардер қимматбоқ коғозлар операцияси тўғрисидаги қонунни бузганликда айбланиб, жорий йилнинг март ойида қўлга олинди. У молияга оид ҳисоботларни қалбақлаштиргани ва ноқонуний қимматбоқ коғозлар тайёрлаганини тан олди.

Шундай қилиб, яқинда Токио округ суди уни шартли равишда ўттиз ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Собиқ бой сўнги тўрт йил мобайнида бошқа қонунбузарликка йўл қўймаганида, балки панжара ортига тушмаслиги мумкинлиги айтилмоқда. Аммо, нафс балоси...

Энди И.Цуцуми қамоқ жазоси билан қутулиб қола олмайди қўриқнади. Суд қарорига мувофиқ, у беш миллион иен (тахминан 44 минг АҚШ доллари) миқдорда тоvon тўлаши керак. Шунингдек, И.Цуцуми бисотидаги икки компанияга қатта жарима солинган.

Хулоса шунки, инсон боғрига қаноат қилишни ҳам билиши, «беш бармоғини» озғизга тикмаслиги керак. Зеро, ҳаром лўқма томоқни йиртади — қинғир ишнинг қийғи барибир чиқади.

*Футбол*

**ЧЕМПИОНЛИК МУБОРАК, "ПАХТАКОР"!**

**МАМЛАКАТ XIV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНИШИГА БИТТА ТУР ҚОЛГАНИДА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ НОМИГА ШАХРИМИЗНИНГ БОШ ЖАМОАСИ "ПАХТАКОР" САЗОВОР БЎЛДИ.**

Айтиш жоизки, пахтакорчиларга қолган беллашуларда биттагина очко шохсуна турини эгаллаш имконини берарди. 25-тур бахсларида эса тошкентлик футболчилар "Пахтакор" марказий стадионда Усмон Тошев бош мураббийлигидаги "Бухоро" жамоаси билан куч синашди. Тўпни бир-бирига аниқ узатиш, майдон марказини эгаллаб, рақиб дарвозасига хавфли ҳужумлар уюштириш бобида меҳмонлардан яқроқ устунилик қилган тошкентлик футболчилар мухлислари кўнглини шод этди. 90 дақиқа мобайнида рақибларига ҳеч қандай имоният қолдирмаган майдон эгалари бухоролар дарвозасига учта жавобсиз тўп йўллашнинг улдасидан чиқиди. Тўпларни дарвозага мохир ярим ҳимоячи Сервер Жепаров (2 та), ҳамда икtidорли ёш ҳужумчи Илҳом Суяновлар киритишди.

Хуллас, 25 та учрашувда рақибларидан бор-йўғи уч мартагина мағлубиятга учраб, қолган бахсларда галаба қозонган, иккита дураник натижаси қайд этган Равшан Ҳайдаров шоғирдлари 62 очко жамғариб яна биринчи ўринни эгаллашди. Энди "Пахтакор" жамоаси келаси мавсумда Осиё чемпионлар лигаси бахсларида, Москвада уюштирилмаган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кубогига юртимиз шарофити ҳимоя қилади. Шунингдек, Ўзбекистон терма жамоасининг Осиё чемпионатида саралаш мусобақаларида ҳам "Пахтакор"нинг кўпгина ўйинчилари иштирок этганини ҳисобга оладиган бўлса, чемпион жамоамизнинг жиддий синовлар кутиб турибди дейиш мумкин.

Сафарда Наманганнинг "Навбахор" жамоасига қарши тўп сурган Муборакнинг "Машъал" клуби футболчилари 0:0 ҳисобидаги дураник натижани қайд этиб, футбол тарихида ilk марта иккинчи ўринни эгаллашди. Эндиликда футболимиз юлдузи Миржалол Қосимов тўп суратган "Машъал" жамоаси аъзоларини Осиё чемпионлар лигаси мусобақалари кутиб турибди.


Зарафшон шаҳрида "Кизилқум"га 3:1 ҳисобида имониятни бой берган "Насаф" футболчиларига эса учинчи ўрин насиб этди.

Сўзимиз ниҳоятда келгуси мавсум ҳам мухлисларга ажойиб футбол спектаклларини тўхфа этаганини эслатиб, шаҳримизнинг бош жамоаси "Пахтакор"ни чемпионлик билан қўлайимиз.

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг сўнгги 26-тур бахслари эса БУГУН бўлиб ўтади.

**Ақбар ЙҮЛДОШЕВ**

Газетанинг навбатдаги сони 9 ноябрда қадади.



Ушбу зукко болажонларнинг келажакда компьютер илмининг етуқ билимдонлари бўлиб етишишига шубҳа йўқ. **Наталья Семёнова олган сурат.**

*«Қамолот»*

**ЕТАКЧИЛАР УЧРАШДИ**

**Кеча шаҳар ўқувчилар ижодиёти марказида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва ўқувчилар ижодиёти маркази ўзаро ҳамкорлигида "Етакчининг маҳорати" мавзусида ўқув семинари ўтказилди.**

Тадбирдан асосий мақсад "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумтаълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, мактаб ўқувчиларининг жамоатчилик ишларидаги иштирокини янада ошириш, бошланғич ташкилот етакчиларининг янги ўқув йилидаги фаолиятини аниқ белгилаш, етакчилик маҳоратини оширишдир.

— Ҳар ойнинг охирига ҳафтада бундай семинарларнинг ташкиллаштирилиши етакчиларни ўз устида ишлашга, ўқувчилар билан янада яқинроқ бўлишга ундайди. Қолаверса, шаҳардаги барча етакчилар учрашганларида тажриба алмашадилар. Янги-янги гоёлар, ўринли фикрлар тўғрисида,— дейди биз билан суҳбатда 153-мактаб етакчиси Дилдора Сатаева.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар кенгаши, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида табиий ва техноген ҳодисалар содир бўлганда вужудга келиши эҳтимоли тутилган ҳолат билан боғлиқ амалий тактик машғулот ўтказди. Унда ўқув машғулотларида тайёргарликдан ўтган алоқа-ахборот ва хабар бериш, вазиятни баҳолаш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолини кўчириш, инсонпарварлик ёрдам кўрсатиш ҳамда вазиятга муносабат билдириш гуруҳларининг 48 нафар аъзоси ўз маҳоратини намойиш этди.

**АМАЛИЙ ТАКТИК МАШҒУЛОТ**

— Бугунги машғулотимизда ҳар бир гуруҳ аъзоси ўз вазифасини тезкорлик билан бажаришга ҳаракат қилди, — дейди жамиятнинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Умида Мухамедова. — Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш гуруҳи аъзолари «зилзилада вайрон бўлган бино ичидаги жабрланганларга» шу ернинг ўзида ёки яқинида дастлабки кўмакни берган бўлса, аҳолини кўчириш гуруҳи вакиллари ётоқхонада «қисилиб» қолганларни олиб чиқиш ва бошқа машқларни аъло даражада бажарди. Умуман, амалий тактик машғулот юқори савияда ўтди.

ЎЗА

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**  
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ  
ТОШКАНБОЙ ЭҒАМБЕРДИЕВ НОМИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

**«ЮЛДУЗЛАР ПАРАДИ»**  
цирк дастурида супер шоу  
**Ирина Аллегрова**  
Темир йўллар кироличаси  
Вагон кўзатувчиси  
**ВЕРКА СЕРДЮЧКА**  
А. Пугачёвнинг қиёфадорлар шоуси  
танловининг совриндорлари  
Дастур директори **Пётр Поминчук**

Томашлар: 3, 4, 5, 6, 10, 12, 13, 19, 20, 26, 27 ноябрда 15.00да;  
7, 8, 9 ноябрда 11.00 ва 14.00 да бошланади.  
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.  
Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.  
Касса соат 9.00 дан ишлайди.  
Маълумотлар учун телефонлар:  
144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

**Бош муҳаррир**  
**Ақмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажини — 2 босма табоқ офсет  
узелда босилади.  
2495 нусxada босилди. Қогоз бирими А-3

*Намоиш ташкилотларида*

**ХАЙРАИ ТАШАББУС**

«Аёллар Кенгаши» нодавлат нотижорат ташкилоти мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофизат қилиш, жамиятда аёлларнинг мақомини ошириш, фарзанд тарбияси, хайрия ишларига қаратилган муҳим амалий тадбирларни ташкиллаштириб келмоқда.

Яқинда «Аёллар Кенгаши» ташкилоти яна бир хайри ташаббусга қўл урди, яъни Тошкентда янги хайбон ва бог бунёд этила бошланди. Ақция бир ой давом этиб, унда минглаб юртдошларимиз иштирок этишиб, ўз ҳудудларини ободонлаштириш, кўчатлар экиш борасида амалий ишлар қилишди.

Тадбирнинг яқунловчи босқичи ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Ўзбекистон эстрадаси юлдузлари, «Аёллар Кенгаши» аъзолари ва ёшлар вакиллари билан ҳамкорликда юзлаб кўчатлар ўтказилди. Севимли хонандалар ижросида куй-қўшиқлар янгради.

«Гулла, яшна шаҳрим!» ақция тадбирида фаол иштирок этганлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

— Яқинда иш бошлаган эдим,— деб сўз бошлади яна бир семинар қатнашчиси, 289-мактаб етакчиси Наргиза Артикабаева.— Бу тадбирда қатнашиб тажрибали ҳамкасбларимдан ўқувчилар билан бўладиган мулоқотни, ота-оналар, мактаб жамоаси билан ишлаш жараёнини ўзлаштирмакдан.

Семинарда шаҳардаги барча мактаблардан келган 200 нафар етакчи қатнашди. Улар бешта гуруҳда рус, ўзбек тилларида «Етакчи ўрни», «Етакчи функциялари», «Етакчи ёрдам», «Қузғи тастил», «Қўққига қараб интилиш» мавзуларида савол-жавоб тарзида амалий тажриба алмашдилар.

**Шахло ХОШИМОВА**

*Мунажжим башорати*

**ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАР КУНИ**  
8 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

Бугунги кун илми нужумда ижодий гоёлар ва режалар амалга ошириладиган, энг ажойиб ва хайлга келмайдиган лойиҳалар рўёбга чиқадиган кун сифатида тавсифланган. Ижодий гайрат-шиқоят ва хайёллар парвози бугун ҳар қачонгидан юксак бўлиб, ўзининг бетакорлигини ва истеъдодини қирраларини тўла ошқор этишининг айни вақти шу кундир.

Лекин бугун ғийбатга берилмаслик, шошма-шошарликка йўл қўймаслик ҳамда қуруқ ваъда бермаслик жуда муҳим аҳамият касб этади. Айтадиган гапингиз бўлмаса, сўқут сақлаганингиз маъқул. Чунки бугун бемаъни гаплардан, зарарли одатлардан халос бўлинадиган кун.

Мунажжимлар бугун астойдил тер тўкиб қилинган меҳнат мақсадида эришиш ҳамда бойлик ва фаровонликни кўлга киритишга олиб келади, дейишади. Лекин бугун ҳеч нарсани сотиб олмаган — яхисис уни ўзининг тўйиб овқатланмиш тавсия этилади. Бугунги кун тез ривож топадиган ишлар ва кўчмас мулк амалиётлари учун омадли ҳисобланади.

Кун бўйи сизни мусика ёки қўшиқ овози таъкиб этадиган бўлса, уни самовий ҳомиёлик белгиси деб қабул қилинган. Бирон нарсани йўқотиш ёхуд пичоқнинг ўткир қиррасини синдириш қўйиш сизни жиддий хатодан огоҳлантиришдир.

Бу кеча кўриладиган тушлар моддий ишлар, фойда билан боғлиқ бўлади. Тушда таомни кўриш, овқат пишириш — яхшиликка.

**БУГУН:**

- бошлаб қўйган ишининг давом эттириш;
- зарурат тўғриси — бевосита ўз бошлиқларингиз, маҳаллий ҳокимият вакиллари билан учрашиш;
- қулни ва яқин келажакка мўлжалланган режа ишлаб чиқиш;
- ўз олдингизга тез удалайдиган муаммоларингизнига вазифа қилиб қўйишингиз;
- кўйроҳона ва бошқа ёрдамчи ҳўжалик биноларини таъмирлаш билан шуғулланиш;
- уйингизни тартибга келтириб, озик-овқатлар захираси ҳақида қайғуриш;
- бўш вақтингизни кўнглингиз тусанган тарзда ўтказишингиз тавсия этилади.

Муҳим музокараларни суҳбатдошингиз билан яқма-яқма тартибда ўтказишга уринманг.

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

газеталари тахририяти  
реклама агентларини  
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

**ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**

Наشري етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтамағи» — 133-74-05 — телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифланди.

«Шарқ» нашриёт-маتبха ақциядорлик компанияси босмоқсон. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.